



АКБ «INFINBANK»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

АТБ «InFinBank»
Кенгаш Раиси

АТБ «InFinBank»
Бошқаруви Раиси

Лавозими

А.Н. Ахмаджаев

Б.Н. Бурханов

Ф.И.Ш.

Имзо

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

(АТБ «InFinBank»

2022 йил «13» 04 даги
23 - сонли

Кенгаш Баённомаси)

Сана

(АТБ «InFinBank»

2022 йил «05» 04 даги
36 - сонли

Бошқаруви Баённомаси)

2022 йил «13» 04 да
ДСК № 11 - сон билан рўйхатга
олинган

ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ СИЁСАТИ

ДСК № 11

Мазкур ҳужжат АТБ «INFINBANK» мулки ҳисобланади. Ушбу ҳужжат мазмуни Сифат бўйича Раҳбарият Вакилининг олдиндан розилигисиз тўлиқ ёки қисман такрорланиши ёки Банк ходимлари бўлмаган учинчи шахсларга етказилиши мумкин эмас. Ҳар қандай ўзгартиришлар асл нусхасига ва фақат ушбу ҳужжатнинг назорат нусхаларига киритилади.

Мундарижа

Ўзгартиришларни рўйхатга олиш варақаси

1. Мақсад	4
2. Қўлланилиш соҳаси	4
3. Ҳаволалар	4
4. Атамалар ва таърифлари	4
5. Жавобгарлик	4
6. Дивидентларни тўлаш тартиби	4
7. Саклаш	8
8. Хулоса	8
9. Илова	8
10. Тарқатиш	9
11. Танишиб чиқишни рўйхатга олиш варақаси	9

Ўзгартиришларни рўйхатга олиш варақаси

Ўзгартиришлар раками	Ўзгартиришлар мазмуни	Тасдиқланган	Амалга киритилган	Ҳужжатни юретиш бўйича жавобгар шахснинг имзоси

1. МАҚСАД

1.1. "InFinBank" АКБнинг (кейинги матнда - "Банк") Дивидендлар тўлаш Сиёсатининг (кейинги матнда – Сиёсат) мақсадлари:

1.1.1. Банк акциядорларининг Банк акцияларига инвестиция қилинган маблағларидан даромад олиш манфаатларини кондиритиш;

1.1.2. Марказий банк талабларига ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ устав капиталининг талаб даражасида сақланиши;

1.1.3. Банк фаолиятини тегишли молиялаштиришни таъминлаш билан бирга унинг фаровонлигини ошириш.

2. ҚЎЛЛАНИЛИШ СОХАСИ

2.1. Ушбу Сиёсат талаблари дивидендларни тўлаш билан боғлиқ операцияларда иштирок этадиган Банкнинг барча бўлинмалари ва мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилади.

3. ҲАВОЛАЛАР

3.1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларига, "Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва бошқа органларнинг бошқа меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари, Банк Уставига, шунингдек халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

4. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАРИ

4.1. **Дивиденд** - бу Банкнинг акциядорлари ўртасида тақсимланиши керак бўлган Банк соф фойдасининг бир қисмидир.

4.2. **Соф фойда** - бу молиявий фаолиятнинг умумлаштирувчи баҳоловчи кўрсаткичи. Умумий молиявий натижа ва фойда солиғи (даромад) ўртасидаги фаркни ифодалайди.

5. ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Банкнинг ижроия органи Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорларини ўз вақтида ва тўғри бажарилиши учун жавобгардир.

5.2. Агар акциядор Банкка ўз яшаш жойи (жойлашган жойи), аниқ банк реквизитлари, паспорт маълумотлари ва почта манзили (жисмоний шахслар учун) ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида маълумот тақдим этмаган бўлса ёки акциядорлар реестрида рўйхатдан ўтган шахснинг сўровномасида нотўғри маълумотлар кўрсатилган бўлса, натижада унга белгиланган муддатда дивидендлар тўлаш бўйича тушунмовчиликлар юзага келиб, бунинг оқибатида дивидендлар ва шу муносабат билан етказилган зарарларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун Банк, шунингдек унинг мансабдор шахслари жавобгар бўлмайди,

6. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

6.1. Умумий қондалар

6.1.1. Жамғармани шакллантирувчи асосий кўрсаткич бўлиб, бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк акциядорлари ихтиёрида қолган соф фойда, шунингдек Банк капиталини ошириш учун ажратмалар ҳисобланади.

6.1.2. Банк акциядорлари ихтиёрида қолган соф фойда ҳисобидан қонун ҳужжатларига мувофиқ Дивидендлар тўлаш фонди, Умумий мақсадли захира фонди, шунингдек бошқа

фондлар ташкил этилади.

6.1.3. Соф фойданинг ушбу маблағларга тақсимланиш миқдори ва тартиби Банк Кенгаши тавсиясига мувофиқ Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан ажратмалар ўтказилади ва аниқланади.

6.1.4. Ушбу фондларга ажратмалар миқдори қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) Банкнинг захира фонди Банкнинг Устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

б) Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори Банк Уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

в) Умумий мақсадли захира фонди таркибида асосий қарздорлик қолдиғи учун "стандарт" деб таснифланган захира яратилади (Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида" ги Низомининг 11-банди (14.07.2015й. № 2696);

г) Дивиденд тўлаш фонди, қонун ҳужжатларига ёки Банкнинг локал ҳужжатларига мувофиқ бошқа фондлар.

6.1.5. Дивидендлар тўлаш сиёсати, капитал таркибини бошқариш каби акциялар қийматига ва Банкнинг молиявий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатадиган сиёсатдир.

6.2. Дивидендлар тўлаш сиёсатининг стратегияси ва асосий мезони

6.2.1. Қисқа ва узоқ муддатли истикболда Банк олдида турган мақсадларга эришиш, шунингдек ушбу дивидендлар тўлаш сиёсатининг мақсадларига эришиш учун Банк турли вақтларда қуйидаги дивиденд сиёсати стратегиясини қўллаши мумкин:

а) **Акцияга барқарор даромад стратегияси.** Ушбу стратегияда тўланадиган дивидендлар миқдори узоқ вақт давомида доимий бўлиб қолади. Дивидендларнинг барқарорлиги Банкни таваккалчилик даражаси юқори бўлмаган Банк сифатида тавсифлайди. Агар Банк ҳисобот молиявий даврларидан бирида зарар кўрса ҳам, ҳозирги ва келажакдаги инвесторлар орасида келишмовчиликларни олдини олиш учун дивиденд миқдорини сақлаб туриши керак, бу ҳолда улар муваффақиятсизликни вақтинчалик деб ҳисоблашади. Агар Банк йирик молия институтлари инвестицияларининг жалб қилинишига умид қилса, бу ҳолда ҳам барқарор дивиденд сиёсати зарур.

б) **Дивидендлар кўринишида тўланадиган даромаднинг доимий улуши (акция учун дивиденд/акция учун даромад).** Бундай ҳолда, Банк фойданинг доимий фоиз қисмини дивидендларда тўлайди. Соф фойда миқдори доимий бўлмаганлиги учун дивиденд миқдори ҳам ўзгаради. Ушбу стратегиянинг салбий томони шундаки, агар Банк фойдаси кескин пасайса ёки йўқотишлар бўлса ҳам, дивидендлар сезиларли даражада камаяди ёки умуман бекор қилинади. Ушбу сиёсат акцияларнинг бозор нархини максимал даражада оширмайди, чунки аксарият акциядорлар олинадиган дивидендлар миқдоридаги ўзгаришларни қабул қилмайди.

в) **Муроса стратегияси.** Барқарор сумма ва дивиденд суммасининг фоизи ўртасидаги муроса - бу акция учун барқарор юқори бўлмаган сўмлик тўлов билан дивиденд тўлаш. Ушбу стратегия Банк фаолиятида биров мослашувчанликни таъминлаганига қарамай, инвесторлар ўртасида улар оладиган дивидендлар миқдори бўйича ноаниқлик ҳиссини келтириб чиқаради. Акциядорлар, қоида тариқасида, бундай ноаниқликни қабул қилмайдилар. Бундай сиёсат даромад йилдан-йилга сезиларли даражада ўзгарганда қўлланилиши мумкин. Фоизлар учун қўшимча тўлов ёки дивиденднинг қўшимча қисми мунтазам равишда тўланмаслиги керак.

г) **Қолдиқ дивиденд стратегияси.** Ушбу стратегия Банкнинг инвестиция имкониятлари беқарор бўлганда ва бу ҳолда дивидендларни ўзгартириш амалиёти қўлланилганда қўлланилиши мумкин. Ушбу стратегия ёрдамида сақланган даромад миқдори жорий йилда инвестиция имкониятлари мавжудлигига боғлиқ. Дивидендлар Банк ўзининг инвестиция эҳтиёжларини қондиргандан кейин қолдиқ фойдадан ажратилади.

6.2.2. Юқорида тавсифланган стратегиялар алоҳида ёки биргаликда қўлланилиши мумкин. Банкнинг олиб бораётган молиявий фаолияти ва дивиденд сиёсатининг асосий мезони дивидендларни доимий равишда ва маълум бир барқарор даражада чиқарилган барча турдаги акциялар учун тўланадиган дивидендлар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш орқали тўлаш ҳисобланади. Олиб борилаётган дивиденд сиёсати Банк акцияларининг бозор нарҳини керакли даражада ошириш ва сақлашга қаратилган.

6.3. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби

6.3.1. Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган жорий йил учун соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

6.3.2. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Банк Кенгашининг тавсияси асосида Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Банк Кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

6.3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.3.4. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

6.3.5. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Банк етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган Банкнинг захира капитали ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан Банк ихтиёрида қолади.

6.4. Дивидендлар тўлаш фонди

6.4.1. Жамғармани шакллантирувчи асосий кўрсаткич бўлиб, бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Банк акциядорлари ихтиёрида қолган соф фойда, шунингдек Банк капиталини ошириш учун ажратмалар ҳисобланади.

6.4.2. Дивиденд тўлаш фондига ажратмалар миқдори Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

6.4.3. Ҳисобот йили натижаларига кўра акциядорларга дивидендлар тўлаш фойда ташқи аудит текшируви томонидан тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади.

6.4.4. Акциядорларга дивидендлар тўлаш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, қимматли қоғозлар бўйича даромад солиғи чегирилган ҳолда амалга оширилади.

6.4.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан дивидендлар устав капиталини оширишга йўналтирилиши мумкин.

6.5. Яқуний ва оралик дивидендлар

6.5.1. Оралик (чораклик) дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор, дивиденд миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тури бўйича уни тўлаш шакли Банк Кенгашининг тавсиясига биноан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.5.2. Оралик дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан тавсия эилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Йиллик дивидендлар миқдори тўланган оралик дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек Банк уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш

ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

6.5.3. Агар дивидендни тўлаш оқибатида Банкнинг молиявий аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, Банк оралик дивидендлар тўлай олмайди.

6.6. Дивидендлар тўлашдаги чеклашлар

6.6.1. Банк қуйидаги ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

а) Банк устав фондининг (устав капиталининг) ҳаммаси тўлаб бўлингунча, у ташкил этилган ҳолда;

б) агар дивиденд тўланадиган пайтда Банкда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Банкда шундай белгилар пайдо бўлганда;

в) Банк соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлганда;

г) Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошқор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда;

д) Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида Банкка нисбатан талаби мавжуд бўлганда;

е) пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда.

6.7. Умумий мақсадли захира фонди ва бошқа фондлар

6.7.1. Умумий мақсадли захира фонди йиллик ажратмалар ҳисобидан Банк соф фойдасининг 5 фоизи миқдорида устав капиталининг 15 фоизи миқдorigа етгунига қадар тўпланади.

6.7.2. Умумий мақсадли захира фонди ўз зарарларини қоплаш, Банкнинг корпоратив облигацияларини сўндириш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва бошқа маблағлар бўлмаган тақдирда Банк акцияларини қайта сотиб олишга мўлжалланган.

6.7.3. Умумий мақсадли захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Захира фондидан фойдаланиш тўғрисидаги қарор Банк Кенгаши томонидан қабул қилинади.

6.7.4. "Стандарт" деб таснифланган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун яратилган захира суммаси ушбу активларнинг асосий қарздорлик қолдиғининг 1 (бир) фоизигача бўлиши керак.

6.7.5. Бошқа фондларнинг ҳажми Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Бошқа фондларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган алоҳида низомлар билан тартибга солинади.

6.8. Дивидендлар тўлаш мумкин бўладиган акциялар

6.8.1. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар реестри Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмай эълон қилинган санадан 3 календар кун олдин ёпилади.

6.8.2. Ушбу Дивидентлар тўлаш сиёсати амалдаги қонунчиликда белгиланган даврда олинмаган дивидендларни тўплашни (аккумуляирование) таъминлайди. Бироқ, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

6.9. Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш

Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Банк ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг веб-сайтида эълон қилади.

6.10. Дивидендларни солиққа тортиш

6.10.1. Банк дивидендлар миқдорини солиқсиз эълон қилади. Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

6.10.2. Давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида дивидендлардан солиқ олишда вақтинчалик имтиёзлар белгилаши мумкин.

7. САҚЛАШ

7.1. Ушбу Сиёсатнинг асл нусхаси Банкнинг Юридик Департаментининг Методология бўлимида ДСК № 11 рақами остида сақланади. Ушбу Сиёсатнинг PDF форматидаги электрон нусхаси фойдаланиш учун умумий серверда сақланади. Ушбу Сиёсатнинг .DOCX форматидаги электрон нусхаси Юридик Департаментининг Методология бўлимида ва ишлаб чиқарувчида сақланади.

8. ХУЛОСА

8.1. Ушбу Сиёсат Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Ушбу Сиёсатга киритиладиган барча ўзгартиришлар Банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

8.3. Банкнинг Дивидендлар тўлаш Сиёсати зарур ҳолларда, яъни жорий иқтисодий вазиятни, Банк стратегиясидаги ўзгаришларни, шунингдек Банкнинг ички қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб қиладиган қонун ҳужжатлари қабул қилинган тақдирда кўриб чиқилади.

8.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги ўзгаришлар натижасида ушбу Сиёсатнинг айрим моддалари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлса, мазкур моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу Сиёсат низомига ўзгартириш киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари нормалари бевосита қўлланилади.

9. ИЛОВА

9.1. Мазкур Сиёсат иловаларни ўз ичига олмайди.

10. ТАРҚАТИШ

Бўлинмалар бўйича ҳужжатларни тарқатиш рўйхати		Тўлдириш санаси	
		20 <u>22</u> йил « <u>13</u> » <u>04</u>	
ДСК № <u>11</u>	6-сонли таҳрир	Амалга киритиш санаси: 20 <u>22</u> йил « <u>13</u> » <u>04</u>	
Тарқатилиши лозим бўлган ҳужжат номи		ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ СИЁСАТИ	
№	Бўлинма номи /ҳужжат тарқатилиши лозим бўлган мансабдор шахснинг номи		
1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
Ишлаб чиқарувчи		Методология бўлими бошлиғи	

ИМЗО

HM30

11. ТАНИШИБ ЧИҚИШНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВАРАҚАСИ

[illegible]

КЕЛИШИЛГАН:

О.Л. Нуманова

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

П.Т. Салимов

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

Д.М. Хожиев

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

Б.С. Джураев

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

А.А. Имамов

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

А.Т. Абдукахаров

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

Р.А. Каримов

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

А.У. Режаматов

_____ 2022 г.
Ф.И.Ш. _____ ИМЗО _____

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Корпоратив
маслаҳатчи

Лавозими

Ш.Ш. Мухаммедов

Ф.И.Ш.

Имзо

Сана

Хужжатнинг амал қилиш муддати:

2022 йил «13» апрел дан 2027 йил «12» апрел гача.

20 _____ йил «_____» _____ гача узайтирилди

Амал қилиш муддати ўтгандан кейинги статуси _____

Сана

хужжатни юритиш бўйича масъулнинг имзоси

Копия раками _____

Тарқатиш санаси 20 _____ «_____» _____

(хужжатни тарқатишда хужжатни юритиш бўйича
масъулнинг оригинал имзоси)

ЮРИДИК ХУЛОСА

Юридик Департамент томонидан «Дивидендлар тўлаш Сиёсати» лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси ўтказилди.

Ушбу лойиҳани кўриб чиқишда Юридик Департамент Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунларига, "Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки ва бошқа органларнинг бошқа меъёрий ва қонунчилик ҳужжатлари, Банк Уставига, шунингдек халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Марказий банкнинг тижоратбанкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг рўйхатдан ўтказилишини 05.04.2000 йил 916 - сонли талаблари) Низомнинг талабларига жавоб беради.

Юридик Департаментининг Директори

 А.Т. Абдукаҳаров